

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2025-YIL, APREL,
№ 8-9 (542-543)

BUKHORO YOSHILARI

Бухоро вилояти Ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи Шавкат РАҲМОНОВнинг ҳудуд ёшларига МУРОЖААТИ



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

Ҳурматли ёшлар, шижоатли йигит-қизлар!
Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 14 февралда ёшлар билан учрашувда мамлакатимиз ёшларини “Халқимизнинг, Ватанамизнинг олтин фонди” эканини таъкидлаб, Сиз ёшларга яна бир қарра юксак ишонч билдирди. Демак, Сиз, Янги Ўзбекистон ёшлари, шу ишончга ҳамоҳанг Учинчи Ренессанс пойдеворини тиклай оладиган, ғайратли, шижоатли, билимли ва матонатли бўлиб, камолга етишингиз керак! Бунинг учун Сизга барча имконият эшикларини очиб, шарт-шароитлар муҳайё.

Президентимиз билан ўтказилган ушбу учрашувда Бухоро вилоятининг икки нафар, “Pinnacle school” ўқув маркази раҳбари, Халқаро SAT имтиҳон тизими бўйича Ўзбекистонда биринчи бўлиб, энг юқори 1600 балл олган Парвиз Туксанов ҳамда каштачи-хунарманд, “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, ўзининг миллий каштачилик маҳсулотини “Etsi”, “Instagram” ва “I-bey” платформалари орқали сотиб, ойига 1 минг доллар даромад олаётган Азиза Тожиева сўзга чиқиб, ўз фикр ва қарашларини дадил баён этди. Улардаги шижоат, ташаббускорлик ҳар бирингизни қалбингизда акс этиши муҳим.

Учрашувда ёшлар тадбиркорлигида мутлақо янги даврни бошлаб берадиган 3 та катта ҳужжат имзолангани таъкидланди. Бу имзо - Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш янги жамғармаси ташкил этилишига йўл. Бу имзо - тадбиркор ёшларга имтиёзли кредитлар бериш, ташаббускор ёшларнинг стартап лойиҳаларига инвестиция киритиш тизими майдони. Бу имзо - олийгоҳ битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича Миллий банкка ресурс бериб, ушбу банкни битирувчи ёшлар бандлигини таъминлашга масъул этиб белгиланганига шахд! Мана, Сизга имконият, мана, келажагингиз учун мислсиз имкониятлар!

Шунингдек, Алоқабанкнинг “Ёшлар банки”га айлантирилгани, ёшларни касб ва тилга ўқитиб, юқори даромадли ишларга жойлаштириш дастури қабул қилингани, креатив иқтисодиётни ривожлантириш, креатив индустрия паркларини барпо этиш негизда бизнес мактаблари ташкил этиш ташаббуслари ҳам Сизнинг бугунги ва эртангиз учундир!

Хорижий тилларини биласизми, марҳамат, Агентликнинг янги жамғармаси ҳисобидан

“С-1 даражаси” орқали олиш ва чекка ҳудудларда чет тилларига ихтисослашган ўқув марказларини очиш ва 120 миллион сўмгача фоизсиз ссуда олиш имкониятига эгасиз. Бундан ташқари, иқтидорли, билимга чанқоқ, лекин оғир оилавий шароити сабабли ўқиш имкониятига эга бўлмаган ёшлар “Ёрқин келажак” лойиҳаси доирасида хорижда таҳсил олиши мумкин. Ватанпарварлик руҳини кучайтириш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларида “Ватан таянчи” ҳаракатининг йўлга қўйилгани яна бир муваффақият.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу ерда таъкидлаш жоизки, вилоятимиздан хорижга бориб ўқиётган ҳар бир талабага бош-қош бўлиб, эҳтиёжларини аниқлаймиз. Ватанга қайтиб, ўз ўрнини топиши, муваффақиятли карьера қилиши учун ва умуман, барча-барча масалаларда Давлат хизматини ривожлантириш учун вилоят кесимида масъуллар билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб борамиз.

Ҳурматли Бухоро ёшлари!

Барча мақсад ва эзгу ниятларга Сиз билан биргаликда эришамиз, доволарни ҳам-жиҳатликда забт этамиз! Фақат Сиз Бизга

ишонсангиз бўлди: шу Ватаннинг, шу диёрнинг юки, заҳмати зиммамизда, елкамизда! Бу мақсадларга эришишда Ёшлар парламентининг ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳам улкан масъулиятларидан фойдаланамиз.

Сиз эса ёт ва ёлғон турли ташвиқотларга, қонунга зид хатти-ҳаракатларга берилманг ва асло чалғиманг! Шунинг ўзи биз учун қувонч, Сизнинг борлигингиз биз учун бахт.

Ислохотларни юксак даражага кўтариш мақсадида барчангизни вилоятимизда ёшлар билан ишлаш бўйича намуна яратиш, таклиф ва ташаббусларимизни биргаликда рўёбга чиқариш ҳамда жонажон Ватанамизнинг тараққиёти йўлида бир тану-бир жон бўлиб ҳаракат қилишга чақирамиз!

Олдимизда Сизлар билан бажаришимиз керак бўлган вазибалар талай, фақат бирдамликда, тинимсиз меҳнат орқали юқори натижаларга эришамиз!

Барчаси Сиз ва Сизнинг келажагингиз учун экан, ёшликни ганимат билиб, отни қамчиланг! Давлатимиз яратиб берган имкониятларни қадрига етинг! Дунёга ёрқин ва чақноқ кўзлар билан қаранг! Интилиш ва изланишдан асло тўхтаманг!

ШИЖОАТ, БИЛИМ, ТАШАББУС,



Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, маънан бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, Ватанга садоқат ва меҳр руҳида камол топтириш йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қиладиган тадбирлар - “Шижоат ва ғайрат” ҳарбий-спорт мусобақаси, “Беш ташаббус олимпиадаси” ҳамда спортнинг футбол ва мини футбол тури бўйича “ДХХ кубоги” мусобақаларидир.

Ҳар уч турли мусобақалар бугун Бухоро бўйлаб қизгин паллага кирди. Мусобақаларнинг асосий мақсади - ёшларда фаоллик, ташаббускорлик, масъулият ва жамоавийлик каби фазилатларни шакллантириш, уларни ҳаётда фаол иштирок этишга ундашдир.

- Мусобақалар доирасида иштирокчилар турли синовлардан ўтишади: интеллектуал савол-жавоблар, спорт мусобақалари, ижодий чиқишлар, жамоавий машқлар ва Ватан тарихи бўйича билимларини намоён этишади. Бу орқали ёшлар, нафақат, билим ва кўникмаларини синовдан ўтказиш, балки ўзларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўладилар,-деди агентлик бош мутахассиси Шохжаҳон Обидов.

Ғолиб ва фаол иштирокчилар тақдирланади. Уларнинг ютуқлари бошқаларга ўрнак бўлиб хизмат қилади.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

МАСЪУЛИЯТ ВА ЮТУҚ

Бухоро давлат университетида “Миллий қадриятлар ва уларнинг миллат маънавиятидаги ўрни” шиори остида кенг кўламли маданий-маърифий тадбир – “Миллий қадриятлар сайли” бўлиб ўтди. Мазкур сайлда халқимизнинг бой мероси, урф-одатлари ва анъаналарини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш, талабаларда миллий ғурур ва ўзликни англаш туйғусини кучайтиришга хизмат қилди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР САЙЛИ



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг.

Сайл тантанали руҳда ўтиб, унда университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, тьюторлар, ишчи-ходимлар ҳамда талаба-ёшлар фаол иштирок этишди. Тадбир доирасида миллий меросимизга оид фотосуратлар, амалий санъат намуналаридан иборат кўргазмалар ҳамда талабаларнинг ютуқлари намойиши ташкил этилди.

Шунингдек, миллий либослар тарғиботи, миллий урф-одат ва анъаналар кўринишлари, жонли ижрода куй-қўшиқлар барчанинг эътиборини тортди. Ҳар бир факультет томонидан тайёрланган миллий таом – ош барчага тантана таъмини ҳис қилди. Тадбирнинг яна бир ёрқин жиҳати сифатида миллий ўйинлар – арқон тортиш, тош кўтариш, кураш мусобақалари катта қизиқиш билан ўтказилди. Спортсевар талабалар эса шахмат, шашка ҳамда стол тенниси бўйича беллашувларда ўзаро куч синашди.



Ўзбекистон ёшларининг Президентимиз билан учрашуви тарих зарварақларида муҳрланди, десак муболага эмас. Мулоқотда давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ёшларига ўзининг бетакрор ташбехлари билан мотивация берди.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРНИ СЕВАДИ

Маълумки, юртимизда ёшларнинг саводхонлилик даражасини ошириш ва уларни олий таълимга қамраб олиш бўйича қатор дастурлар ишлаб чиқилган. Илгарилари бир ўрин учун ўн нафар абитуриент тўғри келган бўлса, ҳозирда хусусий олий таълим муассасалари кўпайиши эвазига 42% ёшлар қамраб олинмоқда. Дунёнинг нуфузли Олий таълим муассасаларида бир ярим мингдан зиёд талабаларимиз таҳсил олиб келмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда: “Битта қизни ўқитсак - бутун оилани ўқитгандек бўламиз” деган фикрлари Ватанимиз келажиги ва раънақига улкан ҳисса, гендер тенглиги масаласида ҳам яна бир ижобий қадам бўлиб ҳисобланади.

Маҳмуджон Ҳасанов,
Бухоро давлат университети тьютори.

ТАРБИЯ ФАҚАТ НАСИҲАТ БИЛАН ЭМАС!

Рус адабиётида бола тарбияси, оилавий қадриятлар, инсонпарварлик, меҳр-оқибат каби мавзулар биринчи ўринда туради. Лев Толстойнинг “Болалик” асари, Фёдор Достоевскийнинг “Қайси нуқтадан қарасанг ҳам, инсонни тушуниш муҳим” деган фикри, Антон Чехов асарларидаги оддий инсонлар ҳаёти — булар барчаси болалар ва ёшлар дунёқарашини шакллантиради.

Бугунги глобаллашув даврида турли тилларни билиш, нафақат, илм, балки ахлоқ ва маданиятни тушуниш воситасига айланди. Улар орасида рус тили ва адабиёти алоҳида ўрин тутди: у мулоқот воситаси, қалб тарбияси, тафаккур чироғидир. Бироқ, замонавий ёшлар “тарбия” сўзини кўпроқ назарий тушунча, деб қабул қилишади.

Лекин, рус адабиёти - бу назария эмас, балки ҳаётнинг ўзи. У ҳаётнинг барча қирраларини реал акс эттиради.

Ёшлар кўпроқ телефон, ноутбук, интернет билан банд. Нега адабиёт ҳам шу йўл билан уларга етмасин? Ҳозир рус тилидаги китоблар, шеърлар, аудиокитоблар, видеоҳикоялар, подкастлар орқали болаларни тарбиялашнинг янги йўллари бор. Маърифий YouTube каналлар, Telegram ботлар, аудиоплатформалар орқали адабий қахрамонлар замонавий қахрамонларга айланмоқда.

Рус тили ва адабиёти фақат грамматик қоидалар эмас, балки инсон руҳиятига таъсир этувчи кучдир. Агар биз болаларимизни тарбиялашни истасак, уларни китоб билан, тил билан, адабиёт билан суҳбатлаштиришимиз керак. Зеро, ҳаётда энг самарали тарбия — сеvimли қахрамонлар орқали бериладиган тарбиядир.

Тоҳир АГЛАМОВ,
Бухоро давлат
Педагогика институти
рус тили фани
ўқитувчиси.



Мен, Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети, 2-босқич талабасиман. “Ватан номинг дилимда”, “Зиё нстаб” номи шеърый тўпламларим наширдан чиққан. Кўплаб халқаро танловлар совриндориман.

НАФОСАТЛИ, МАРД АЁЛЛАР ИЗДОШИМИЗ...

Бугун ўзбек аёлларининг жасорат тимсоли экани ҳақида ўз муносабатларимни баён этишни истайман. Аввало, аёл деганда нозиклик, нафосат тимсоли келади кўз олдимизга. Лекин шу нозиклик ва нафосат ортида мардлик, юртсеварлик ва садоқат яширинганини ҳам ҳис эта оламизми?

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мен Тўмариснинг жасорати, Бибинонимнинг ақл-заковатидан ҳар доим илҳомланаман. Бибинонимнинг салтанатни бошқаришда оқилона маслаҳатлар бергани, ўз жамғармаси ҳисобидан Самарқандда мадраса қурдирганини ўқиб, лол қоламан. Худди шунингдек, иккинчи жаҳон урушида матонат билан жанг қилган снайперчи Зебо Ғаниева ҳам жасоратли аёллардан. У ҳам даврининг улкан юрак

соҳибаларидан бўлган. Оилани севиш ва болажонликка яна бир тимсол: уруш йилларида 13 та болани асраб олган Шомаҳмудовлар оиласининг аёли Баҳри Акрамовадир. Унинг турли миллат болаларини ўз фарзандидек тарбиялагани таҳсинга лойиқ. Бу оила шарафига, Тошкентда “Халқлар дўстлиги” монументи ўрнатилган. Бундан ташқари, илм соҳасида ҳам дунё аҳлини лол қолдирган жуда кўп олималаримиз бор. Заифа Саидносирова ана шундай биринчи ўзбек кимёгар олимаси. Унинг ҳам илм-зиё йўли ёшларга ўрнак.

Ҳа, биз Бибинонимлар, Нодиралар, Увайсийлар авлоди бўлган кучли ўзбек қизларимиз! Бизнинг овозимиз бутун дунёга етади...

Нозима Зиёдуллаева,
Ромитан.

ЙЎЛДАН АДАШИБ...

Жиноят ишлари бўйича Қорақўл туманида кўриб чиқилган суд ишида 100 АҚШ доллари эвазига ўз “айби”ни ёпмоқчи бўлган ёш йигитнинг озодлиги икки йилга чекланди.

Фуқаро Х.Ж. бошқа бир шахсга тегишли «Damas» машинасини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз бошқарган. Ҳолат Қорақўл туманидан ўтувчи М-37 автомобил йўлининг 329-километрида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат олиб бораётган

инспектор С.Х. томонидан аниқланган. Инспектор ҳайдовчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 128-моддаси, 1-қисми ҳамда 135-моддаси, 2-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирган. Автомашина жарима майдончасига жойлаштирилган.

Орадан икки соат ўтгач, “Меҳр” МЧЖга қарашли жарима майдончаси олдида келган Х.Ж. инспектор билан учрашган. Ўз айбини “ёпиш” мақсадида инспекторнинг чўнтағига 100 АҚШ долларини солган.

Инспектор Х.Ж.нинг хатти-ҳаракатларини тақиқлаган ва зудлик билан гувоҳларни чақирган. Ҳолат юзасидан олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида Х.Ж. айбига иқрор бўлиб, чин дилдан пушаймонлигини билдирган.

Бобораҳим Очилов,
Жиноят ишлари бўйича
Қорақўл туман суди раиси.

ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИ:

УЛАРНИ
САВОДСИЗЛИККА
БОШЛАЁТГАН

ИЛАТЛАР
ИЛДИЗИ
ҚАЕРДА?

“Ёшлар” сўзи айнан неча ёшдаги шахсларни қамраб олишини аниқлаб олсак, шунда муаммони муҳокама қилиш осонлашади. Юқори синфга ўтиб, то олийгоҳни битирибми ёки ҳунар эгаллабми? Бир ишнинг бошини тутиб, шахсий ҳаётини йўлга қўйган ва бу йўлда тажриба орттираётган киши борки, уларга ёшлар атамаси қўлланаверади. Яшашнинг асосий шартлари яшаш эмас, яхшилик қилиб яшаш, ёмонликлардан тийилиб, фаровон ҳаёт сари интилиб яшаш ҳамдир. Хўш, бугун ана шу мақсаддан узоқлашганлар ҳам борми, бор бўлса, бу узоқлашнинг сабаби қаерда ва натижаси нимага олиб боради?

МУАММОГА ЁШЛАР НАЗАРИ

- Кўпгина ёшлар таътилдаги бўш вақтларини беҳудага сарфлашди. Ҳатто, айримлари кечқурун нима қилишлари, вақтичоглик учун қаерга боришлари мумкинлиги “масалалари”ни ҳал қилишдан ҳам тап тортишмайди. Аммо, улар орасида фойдали машғулотлар билан банд бўлаётганлари ҳам йўқ эмас. Лекин барибир, изланувчан ёшлар сафининг кенгайиши замон талаби даражасида жадал эмасдек. Таътилда ҳам айрим ўқувчи, талабалар ёшлар ташкилоти томонидан ўтказилаётган турли семинар ёки қизгин лойиҳаларда иштирок этиш билан банд. Кўпларининг олий даргоҳга ўқишга киришга тайёрланиш учун кутубхоналарда соатлаб қолиб кетишга тасани ҳам бор гап. Маълумотлар тўплашади. Ўқув-методик китоблар излаб, ахборот-ресурс марказлари хизматидан ҳам фойдаланадиганлар ҳам анча,- дейди Бухоро Давлат университети талабаси Дилрух Рустомова.

Вақт худди сувдек ўтади. Ёшлик - ганимат. Вақт исрофи - гуноҳ. Айнан шуни тушуниб етмаганлар ёки ҳис қила олмаганлар ишсизлик, саводсизлик каби муаммоларнинг бош сабабчиси бўлиб турибди.
- Саводсизлик, аслида, бефарқлик ва дангасаликдан ҳам келиб чиқади. Дангасаликнинг меҳнатдаги, ўқишдаги кўриниши бор. Энг оғриқлиси, саводсизликнинг фикрлашдаги дангасаликдан келиб чиқишидир. Ўйлашга эриниш, атрофдаги воқеликларга бефарқлик бир кун ёки бир йилда пайдо бўлмайди. Йиллар давомидаги тарбия: оила, боғча, мактаб ва то шахс ўзини-ўзи тарбиялашни англаганича давом этади. Ёшлар тарбияси ва болаларининг бўш вақти билан шуғулланишини оилада ота-она тўлиқ назоратга олиши, рағбатлантириши ҳам керак. Айниқса, меҳнаткашлик кўникмасини шакллантириши жуда муҳим. Кўпинча хато нарсани сезсак-да, кўз юзмамиз. Узоқроқ ўйлашга, ечим топишга эринибми, натижасидан кўрқибми, биздан олдингилар тақорлаган хатони тақорлайверамиз. Қисқаси, ёшларда жасорат ва меҳнатсеварлик етишмаяпти,- дейди Насиба Ҳакимова.

“Бухоро yoshlari” газетаси мухбири Дилнавоз Тўхтаева эса бу борада: “Ёшларнинг интернетдан керагидан ортиқ, ҳаддан зиёд кўп фойдаланаётгани уларнинг билим олишга бўлган қизиқишининг сўнишию, саводсизлигининг ошишига сабаб бўлмоқда. Аксарият вақтини телефонга сарфламоқда. Ота-оналарнинг эътиборсизлиги оқибатида улар фарзандининг кун давомида қандай ишлар билан бандлигини билишмаяпти” деган фикрни илгари суряпти.

(давоми 8-бетда)

УЙИДАН ҚОЧГАН ҚИЗЛАР

УЛАРНИ
“КЎЧА ҚИЗЛАРИ”
ДЕБ ҲАҚОРАТЛАМАНГ

- Тур, кетларинг, бу ердан! Ўтиришга бошқа жой топларинг!-кўчадан “домком”имизнинг бақирган товуши эшитилди. Ҳайрон бўлиб, деразадан кўчага қарадим.
- Ҳа, опа, тинчликми?
- Кўрмайсизми, буларни. Ўзимизнинг “дом”ни скамейкасига худди онасиникига ўтиргандек ўтириб олишганини қаранг!- баттар овозини баянлаётган домком.

- Улар ким?
- Ким бўларди? Кўчанинг қизлари-да...
- Ҳай-ҳай, опа, ортиқча гапирманг... ҳозир чиқаман!-дедим. Ва бирор кўнглисизлик бўлмасин учун тезда кўчага отилдим. Йўқ, адашмаган эканман. Қизлар домкомни “кўчани қизлари” дегани учун

“ғажиш”га тушишга улгуришган экан. Бири кўйиб, бири қизариб-бўзариб тортишишарди қизлар.
“Ҳозир милиция чақираман!”- деб чиранаётган домкомимизни ёши каттароқлиги учун тинчлантирдим.
- Бораверинг, опажон, қизлар билан ўзимиз гаплашамиз,- дедим.

Домком асаби таранг ҳолда уйига кириб кетди.
- Хў-ўш, қизларжон, иш, ўқишлар қандай?
- Қанақа иш, қанақа ўқиш, опа... “кўчани қизлари” бўлсак,- деди бири ҳам кулиб, ҳам жаҳлланиб.
Қизлар жуда ёш, ўсмир эди. Улар билан худди тенгдошдек суҳбатлашишга ҳаракат қилдим. Қизиқиб, уларнинг ёшини сўрадим. 12, 15 ва бири 21 ёшли қизлар экан.
- Ўзимнинг қиройли қизларим, қайси “дом”дансизлар?
- Ҳеч қайси домдан эмасмиз, опа. Мен, асли яқин туманданман. Оиламиздаги нотинчликдан бешиқиб кетиб, шаҳарга, ижара уйга чиққандим. Икки йилча бўляпти. Кафелардан бирига ишга кирганман. Шу ерда Марина билан танишдим. 15 ёшда экани учун ёрдамга муҳтожлигини кўриб, ижара уйимга олиб келгандим. 2-3 ойча бўлди бунга. Яқинда, икки ҳафтача олдин сафимизга Нигинаям қўшилди. Кўряпсиз-ку, ҳеч кимга зарари етмайди. Отаси ичкиликка берилиб кетган, онаси эса уйдан чиқариб қувлаган экан. Шу ерда, шаҳарда яшашади. Раҳимимиз келиб, унияям ижара уйга олиб келгандик. Маринани-ку, “дугонам, ҳозир кетади”, деб эшикни тақиллатиб келган ижара уй эгасини алдаб келганман. Шунга мажбур эдим. Нигинага келсак, буниям ижарачи эканини билиб қолди. Ҳозир ҳар учаламизнинг уйдан чиқариб қувди,- асабийлашган кўйи сўзларди ўзини Сарвиноз, деб таништирган қиз,-етмаганига, анави аёлнинг бизни “кўчани қизлари” деб шу ўриндикдан ҳам ҳайдашини қаранг.

(давоми 6-7-бетларда)

“ОНА УЙИ” - Она ва бола саломатлигини назорат қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оналарга ёрдам кўрсатиш мақсадида мамлакатимиз манзилларида “Она уйи” ресурс маркази ташкил этилмоқда.

“Она уйи”



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

ОНА ВА БОЛА УЧУН ЯНГИ ТАЯНЧ НУҚТА

Бухоро вилоятида ҳам худди шундай ижтимоий марказ иш бошлади. Марказнинг очилишида вилоят ҳокими Ботир Зарипов иштирок этди.

“Она уйи” ресурс маркази оналарга ўз фарзандларини оғир ҳаётий вазият ёки ўйланмаган ҳатти-ҳаракат туфайли давлат интернат муассасасига топшириш эмас,

балки ўзлари тарбиялаш имкониятини бериш орқали ёрдам кўрсатади. “Она уйи” аёлларга 6 ойгача бўлган муддатга уй-жой, озиқ-овқат, тиббий хизмат, уй шароитларига максимал даражада яқинлаштирилган ва яшаш учун зарур бўлган хизматлар шакллантирилган. Васийликдаги шахслар билан

мутахассислар ишлаб, уларга инқирозни енгиб ўтишига, ўз кучига ишонишига ва масъулиятли бўлишига ёрдам беради.

Лойиҳа доирасида “Она уй” ларида яшовчи оналарни касбга йўналтириш дастури ҳам амалга оширилмоқда.

Лойиҳа ишга тушиши билан тикувчилик цехларини очиш, турли мутахассисликлар

бўйича ўқитиш режалаштирилган.

“Она уйи” да бўлиш даврида аёллар жамиятга ижтимоийлашиши, касбий фаолиятда талабга эга бўлишлари, ўзлари ва фарзандлари келажаги учун пул жамғаришлари мумкин.

Бухородаги ушбу марказ мамлакатдаги тўртинчи марказга айланди.



БУХОРО ВА ЦЗЯСИН: САНОАТ ҲАМКОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Бухоро вилоятининг sanoat salohiyati toбора ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, sanoat kooperatsiyasini rivojlantirish va eksport hajmini oshirish bўйича муҳим қадамлар ташланди.

Бугунги кунда вилоятда 4200 дан ортиқ sanoat va xizmat кўрсатиш korxonalari faoliyat yuritmoqda. Хорижий инвестиция иштирокидаги korxonalar soni esa 200 дан ошган. Бунда 42 мингдан ортиқ ишчи-мутахассис бандлиги таъминланмоқда. Ушбу ютуқлар замирида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш каби саъй-ҳаракатлар ётибди.

Шу жараёнларнинг узвий давомига айланган Бухоро-Цзясин sanoat yarmarkasi ikki davlat ishbilarmon doiralari учун янги имкониятлар очмоқда. Мазкур yarmarka Хитой тадбиркорларини жалб этиш, қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш ва sanoat aloqalarini mustaqamlashga хизмат қилмоқда.

САНОАТ ЯРМАРКАСИ: ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲҚАМ ПЛАТФОРМАСИ

Бухорода анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ҳудудий sanoat yarmarkalari mintaqaning iqtisodiy taraqqiyatida муҳим ўрин тутди. Бу йилги тадбир доирасида Хитойнинг Цзясин шаҳри ишбилармонлари ўз маҳсулотларини намойиш этиш учун Бухорога келишди. Билим ва малакаларни



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

баҳолаш агентлигининг Бухоро вилояти бўлими биносида ташкил этилган Хитойнинг Цзясин шаҳри тадбиркорлари sanoat кўргазмаси ikki davlat ўртасидаги яқин дўстлик ҳамда ўзаро шериклик aloqalari mustaqamligiga хисса қўшди.

Ушбу yarmarkaning ochilishida viloyat hokimi Botir Zaripov hamda “Ўзбекистон-Хитой савдо уйи” раҳбари Чин Ю Пин иштирок этиб, бундай тадбирлар sanoatni maqalliyлаштириш ва eksport salohiyatini oshirishda katta ahamiyat kasb etishini taъkidлашди.

- Хитой ҳамда Ўзбекистон aloqalarini izchil rivojlanayotgan инвесторларни қўллаб-қувватлашдаги istiqbolli hamkorlik, deb хисоблаймиз. Yurtboshimiz

tashabbuslari bilan iqtisodiyet tizimini liberallashtirish, qulay investitsiya muhtini yaratish rivojlanishining muhim йўналишига айланди. Бунинг амалий ifodasini Бухоро вилоятида хорижий инвесторларга бизнес hamkorlikni amalga oshirish учун yaratib берилган keng imkoniyatlarda кўриш мумкин. Айниқса, mазкур sanoat yarmarkasida иштирок etayotgan тадбиркорлар, ўз imkoniyatlarini oshirish хисобидан maqalliyлаштириш ва eksport salohiyatini yuksaltirishga хисса қўшаётган хитойлик ҳамда maqalliy бизнес vakillari, muassasalor, ишлаб чиқариш korxonalari учун муҳим bosqich бўлиб хизмат қилади. Ўзаро aloqalar viloyatimizning asosiy soxalari paxtani qayta ishlash,

engil va oziq-ovqat sanoati, qishloq xўjaligi, qurilish va albatта, turizm soxalarining yanada yaxshilashiga sabab buladi, - dedi viloyat hokimi Botir Zaripov.

Тадбир давомида “Ғиждувон” эркин иқтисодий зонаси ҳамда асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар уюшмаси ўртасида hamkorlik memorandumi imzolandi.

Хитойнинг 50 дан ортиқ компаниялари yarmarkada ўз маҳсулот намуналари билан қатнашди. Икки кун давом этган учрашув давомида ишбилармонлар ўзаро тажриба алмашиш, hamkorlik bitimlarini imzolash imkoniyatiga эга бўлдилар.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Билдирилишича, ҳозирги вақтда вилоятда 450 дан ортиқ хорижий инвестиция иштирокидаги korxonalar faoliyat yuritmoqda. Sanoat markazi sifatida viloyatda tўrtта maхsus iqtisodiy zona яъни, sanoat ishlab chiqarishiga ixtisoslashgan “Ғиждувон” ва “Қорақўл” эркин иқтисодий зоналари, zamonavий ishlab chiqarish loyihalarini amalga oshirish учун мўлжалланган “Бухоро sanoatni rivojlantirish kompleksi”, qishloq xўjaligi йўналишидаги loyihalarni қўллаб-қувватлаётган “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонаси sanoatni rivojlantirish учун faoliyat yuritmoqda.

Хитой билан hamkorlikda йирик sanoat loyihalarini amalga oshirish rejasi mavjud. Qurilish materiallari, farmatsevtika va qishloq xўjaligi maхсулотларини qayta ishlash soxalariga sarmona жалб этиш ustuvor йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Бухоро-Цзясин sanoat yarmarkasi ikki tomonlama iqtisodiy aloqalarni yanada mustaqamlash, янги иш ўринлари yaratish va eksport salohiyatini oshirish учун муҳим platformaga айланди.

Саҳифани Зулфизар Мавлонова тайёрлади.

SHAMSHO HAMDA MO

Buxoro viloyati

Шамшода Ҳамдамова - Бухоро вилояти Қоракўл туманида туғилган. Ҳозирда Бухоро шаҳридаги “Нурли маскан” мактаб-интернатида она тили ва адабиёт фанидан дарс беради. Шу билан бирга, Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2-босқич таянч докторанти. Тақдир синови ила кўриш қобилияти паст ҳолатда дунёга келган.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.



БИЗ ШУНДАЙ ЎҚИЙЛИККИ...

“ЁШ КИТОБХОН” ҲОЛИБИ БИЛАН СУҲБАТ

- Сизни “Ёш китобхон” танловида иккинчи ўринни эгаллаганингиз билан чин дилдан табриклаймиз!

- Катта раҳмат! Мен китобни тинглаш орқали мутолаа қилишни ҳаётим мазмуни, деб биламан. Ҳар бир саҳифаси менинг учун янги дунёлар сари йўл, ҳар бир жумласи онгимга таъсир қилувчи сеҳрли куч. Мен ана шу сеҳрли оламга шўнғиганман. Шу боис, уч йилдан буён кетма-кет ушбу танловда 2-ўринни эгаллаб келмоқдаман. Таассуротларим олам-олам! Болалигимдан адабиётга қизиққанам туфайли бу жараён мен учун завқли кечди.

- Ҳозирги ёшларда китоб ўқишга қизиқиш қандай, деб ўйлайсиз?

- Сўнгги йилларда ёшлар орасида китобхонликка бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. “Ёш китобхон”, “Зукко китобхон” каби танловлар бу борада муҳим туртки бўлмоқда. Гарчи, танловда 14 иштирокчи қатнашса-да, орқада бутун бир авлод – миллионлаб китобхонлар бор. Ҳар ким 50 та асарнинг камида 5-10 тасини мутолаа қилмоқда. Бу жуда яхши. Аммо, рақамли технологиялар, телефон ва компьютерлар баъзи ёшларнинг китобдан узоқлашишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бу эса замонамиз фожиасидир.

- Танловга қандай тайёргарлик кўрдигиз? Қийинчиликлар бўлдимми?

- Ҳаракат бор экан, қийинчиликлар ҳам бўлади. Аммо бу йилги тайёргарлик нисбатан осон кечди, чунки “Мутолаа” платформаси орқали кўплаб асарларнинг аудио шакллари тинглаган эдим. Уй юмушлари билан банд бўлган пайтимда ҳам аудиокитобларни тинглаб тайёрландим. Танловда учинчи бор қатнашдим ва жорий йилда иккинчи ўринни эгалладим.

- Танлов давомида сизни илҳомлантирган, ҳайратлантирган ҳолатлар?

- Танлов жараёнида мени ҳаяжонга солган

икки ҳолат бор: биттаси ижобий, биттаси салбий, яъни шундай шарт борки, биринчи шартда маълум бир бадий асардан сюжетида парча ўқиб эшиттирилади. Бу жараёнда ўйлаш учун бир дақиқа вақт ажратилади. Ўйлаган бир дақиқангиз 50 балли ҳал қилади ва бу танлов натижасига ҳам ўз таъсирини, албатта, ўтказади. Биринчи шартда шу бир дақиқада парчани тўғри тополмаганман. Иккинчи ҳаяжонли дақиқа шеърият шартда ҳам худди шундай: бир дақиқа берилади. Ва иккита сўз тушириб қолдирилади. Бу шарт ҳам 50 балли ҳал қилади. Яъни 25 балдан ҳар бири. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Умр манзиллари” шеъридан тушди. Шеърни ўзини ҳам ҳар бир мисраларини ҳам тўғри топа олдим. Ва мен учун бу ажойиб якунланди.

- Китоб инсон ҳаётини ўзгартиради! Сизнинг фикрингиз?

- Албатта, ўзгартиради. Китоб – энг яқин дўст. Маънавий бойлигимизни оширади, дунёқарашимизни кенгайтиради. Китоб билан кечган суҳбат – бу маърифат. Ва маърифатли инсон билан суҳбат – икки қарра ютуқ.

- Келгусида қандай режаларингиз бор?

- Ҳозирда Тоҳир Малик фантастик асарлари поэтикаси мавзусида илмий диссертация ишимни ёзаяпман. Буни аъло даражада бажариш ва болалар адабиётида “Дуэль” танловида республика босқичига чиққанман. Бу танловда ҳам галаба қозонишни ният қиламан. Ва шу билан бирга, фантастика ва болалар адабиёти бўйича ажойиб асарлар яратиш, турк тилига таржима қилиш ниятим бор. Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма” асарида шундай фикрлар бор: “Биз шундай ўқийликки, миллатимиз 100 йилдан кейин эмас, бугун юксалсин. Биз шундай ўқийликки, миллатимиз Оврупа мамлакатлари билан бўйлашсин. Биз шундай ўқийликки, дунёни бизнинг маърифат кутқарсин. Биз шундай ўқийликки, Аллоҳ биздан рози бўлсин!” Барча ёшларга биз ана шундай ўқийлик, деб қоламан!

- Агар сиз бирор китобни барча ёшлар ўқиши керак, деб тавсия қилсангиз, у қайси китоб бўлар эди ва нима учун?

- Танлов доирасида мингга яқин китоб ўқидим, лекин, энг катта таассурот қолдиргани - Нейл Харпер Лининг “Мазахчи қушни ўлдириш” романи бўлди. Бу асар ирқчилик ва маърифат ғояларини ўзда мужассам этган. Ҳар бир ёш бу асарни мутолаа қилиши керак, деб ҳисоблайман. Чунки, у бизни инсонийлик, тенглик ва адолат каби муҳим қадриятларга чорлайди.

- Сиздек зукко китобхонлар ёшларимизга ўрнак. Биз сизнинг келгусидаги фаолиятингизда муваффақият тилаймиз.

Дилнавоз Тўхтаева суҳбатлашди.

ПАРВОЗИМИЗГА ТОҒЛАР ҲАВАС ҚИЛСИН

Умри поёнига етиб бораётган бир ота фарзандларига:

- Болаларим, мен сизларга ҳеч қандай молу-давлат, бойлик қолдирилмадим. Лекин ҳунарманд, ўқимишли қилиб улғайтирдим. Сизлардан истагим, мендан кейин бир-бирингизни унутманг, меҳрингизни дариг тутманг! - деб ёруғ дунёни тарк этибди.

Фарзандлар оталарининг сўнгги истакларини бажо келтириш учун бир умр бир-бирларига меҳрибон бўлиб яшашибди. Йиллар ўтиб, шуни англашибдики, инсонда умри давомида топган бойликлар эмас, балки, одамлардан олган ҳурмат-иззатлари, меҳр-муҳаббатлари абадий қолар экан.

Дарҳақиқат, атрофимиздаги бутун борлиқ аталмиш – табиат сингари инсондан мерос қолувчи меҳр-муҳаббат умрбод яшайди. Табиат оламни чиройли қилиб, безаб туради. Бахтли, фаровон ҳаётни яратиш берувчи меҳр-муҳаббат эса киши умрини гўзаллаштиради.

Мирзақалон Исмоилий айтганидек: “Гўзаллик табиатнинг яхши неъматларидан бири. Маънан етуклик, ширинсўзлик, кўнгилхонлик эса инсон ҳуснининг шартлари бўлиб, улар бўлмаса инсонда на гўзаллик, на ҳурмат-иззат бор”. Демак, ҳар бир одам хулқи, юриш-туриши, ўзини туттиши, маънавий савияси жиҳатидан эл орасида ё яхши, ёки ёмон ном қолдиради.

Яхши фазилат шундай улугки, уни одам ҳаётининг маънавий хазинаси, деса ҳам бўлади. Бу хазина инсон ҳуснининг дурдоналари саналади. Маънавият инсоннинг руҳияти, қалби ҳамда онгида шаклланиб улғаяди. Маънавиятнинг шаклланишида, нафақат, олган билимларимиз, ўқиган китобларимиз ҳисса қўшади, балки, Юртбошимиз айтганларидек “Ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари”да ривожланади. Умрнинг чигал вазиятларида биринчи ёрдам вазифасини ўтайди. Шундай экан, қалбимиз қуёши саналган маънавиятимиз доимо бойиб, ҳаёт

йўлигимизни чароғон айласин. Чунки улуг мутафаккирларимиз илм ортидан қувиб, маънавият чўққисига етиб, бой мерос қолдирганлар. Аждодларга муносиб бўлмоқ, улар меросини авайламоқ даркор.

Шундай учқунга айланайликки, бирлашганда аланга ҳосил бўлсин, парвозимизга тоғлар ҳавас қилсин. Ёниб яшамоқ, юрт учун қувонмоқ, фидойий бўлмоғимиз лозим. Зеро, бугун юртимиз дунёдаги энг тинч ва ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олган. Не-не машаққатлар ва меҳнатлар эвазига бино бўлган Ватанимизни асраш, унинг ривожини учун ҳисса қўшиш, биз, ёшларнинг бурч ва мажбуриятимиздир.

Бизнинг бетакрор, ягона она Ватанимиз – Ўзбекистон учун ҳамиша халқимизга бўлган меҳримиз, Ватанимизга муҳаббатимиз, тарихимиз ва миллий, маданий меросимизга нисбатан ҳурматимиз борлигини ўз шижоатимиз билан намоён этайлик.

Зулфи Зар

Чашима

Дадажоним

*Меҳрибон, жоним дадам,
Томирда қоним дадам.
Оиламизнинг шаъни,
Ҳам орим, шоним дадам.*


*Эркалайсиз қизим, деб,
Ҳам ойим, юлдузим, деб.
Сиз кўнглимнинг пошшоси,
Ғурурим, борим дадам.*

*Мадинабону Дилшод қизи,
Когон туманидаги 9-умумий
ўрта таълим мактаби
ўқувчиси.*

УЙИДАН ҚОЧГАН

ҚИЗЛАР

уларни “кўча қизлари”
деб ҳақоратламанг



ҳам синфдошларидан уялиб юрган қиз уйдан чиқиб қочганини ҳеч кимга билдирмаган. Аммо, дарсларни ҳам қолдирмаган.

Орадан бир соатларча ўтар-ўтмас, Нигинанинг ўқитувчиси эшигимизни қоқиб келди. Унинг айтишича, қизнинг отаси ҳақиқатан ҳам ичкиликка берилган, ҳеч қаерда ишламас, онаси эса онкологик касал экан.

- Бундан илгари ҳам Нигина оиласидаги нотинчлик сабаб яқин қариндошлариникидан бирида яшаб келган. Манимча, бемор она қизидан шу боис, хавотир олмаган, балки... янаям билмадим. Бугун анча кеч тушиб қолди. Эртагаёқ суриштириб, масалани ижобий ҳал қиламиз. Маҳалла, мактаб, ҳудуд инспектори ва оила ҳамжихатлигида отаси билан ҳам жиддий суҳбатлашиб оламиз. Сизга каттақон раҳмат. Нигинани ҳозир ўзим билан олиб кетаман... деди ўқитувчи.

Нигина билан хайрлашар эканмиз, унинг қўлига китоблар ва ширинликлар тутқаздик. Сарвиноз опасини ачомлаб олган қизалоқ, “янги хола” билан “шеърларимни газетангизга чиқариб берасиз” шартда хайрлашди.

- Болалигимда онамдан айрилганман. Икки йилча олдин отамнинг бериб қўйдик. Акаларим уйланган. Икки янгам бор, дея сўзлаётган Сарвиноз кутилмаганда жимиб қолди ва: - опа, илтимос, мендан бошқа ҳеч нарса сўраманг, деди... Аммо, орзуларимни сиз билан бўлиша оламан. Ўқишга кирсам, дейман. Тарихга қизиқанман. Ҳозир тил ўрганилганман. Гид бўлишни ният қилганман.

- Оҳ-ҳо, зўр-ку!

- Қўнғил қўйганим бор. Мени қўллаб-қувватласа, бас. У кафедра ишлашимни билади. Аммо, онамдан чиқиб кетганимни айта олмаганман...

- Унда ҳеч иккиланма ва айт. Алдама ва ёлғон гапирма. Чунки турмуш алдов ва ёлғон пойдеворни кўтармайди. Сени чиндан яхши кўрса, муаммоларинг билан яхши кўради. Йўқса, у эртага сенинг ташвишларингга елка тутмайди...

Орага сукут чўқди.

- Эртагаёқ, айтиб бераман... ҳаммасини!

(давоми, боши 3-бетда)

- Нигина жуда ёш ҳали, ота-онаси сўроқламадимиз? Маринани-чи?-сўрадим.

- Йўқ, опа! Мен саҳарда чиқиб кетиб, кечаси соат ўн икки-бирларда ишдан қайтаман. Уй эгаси қизиқиб, бизнинг нима иш билан шуғулланишимни сўради. Оиламиздан чиқиб кетиб, тунги клуб ва кафеларда ишлашимизни айтдик. Марина кундуз кунлари кафе ҳовлисини супуриб, кафеларни юйиб қайтса, Нигина ижара уйни тозалаб ўтирарди. Унинг жудаям ёшлиги учун аямиз-да... Ҳаммамизни қувиб солди уй эгаси. Ёшига кўра, тез улғайган Нигина ижарадан ҳайдалганимизда ўзини айблайпти. Уни бир ўзини кўчада қолдиролмаймиз. Биз ҳеч қачон бузуқ ишлар қилмаганмиз, асаби таранглашди Сарвинозни.

Бир ўзига яраша юкларининг устида оёқларини чалиштириб, болаларга хос ўйинқароқлик билан ўтирган Нигинани, бир хўмрайиб турган Маринани кузатаман. 12-15 ёшли қизларнинг ўз оиласидан қочиб, дугонаси ёки узоқроқ қавми-қариндошиникига тунаётганига нима дейсиз? Улар-

ни уйдан нима бездирапти экан?!

- Отам топганини ичимликка сарфлайди. Ҳар куни уйимизда жанжал, тўполон. Мен билан онамга: “Пуллариинг ўзларинг топ, кўчага чиқларинг!”-дейди. Кўчада пул ётганмидики, биз йиғиб-териб келсак. Безикдим!”-дейди 15 ёшли қиз.

Нигинанинг ҳам тақдири шундай экан. Хўш, улар ким? Кимларнинг фарзанди? “Кўча қизлари” дея бармоқ билан кўрсатилишга муносибми шулар?

Тўғри, уйдан қочганларга ҳеч ким осонликча ижара уй бермайди. Хўшёр бўлиш керақдир, аммо уй эгасининг эътиборсизлиги ҳафсаламни пир қилди. Оиласидан меҳр-оқибат кўрмай чиқиб кетган, ёхуд йўлбошида адашаётган қизларни яна қувиб солиш ўрнида, уларга озгина қайишса, тўғри йўл кўрсатса, ўз оиласи бағрига қайтиши учун ҳаракат қилса, балки шаҳарда сарсон-саргардон бўлиб юрганлар сафи 3-4 тага камайармиди?! Ахир адашганларга бегона кўз ва “душман” назари билан қараш уларнинг жамиятга нисбатан ҳам ишончсизликларини баттар ошириб юбормасмикан?

Қизлар билан узоқ суҳбатлаш-

дик. Яхшигина суҳбатдош, меҳнатқаш, ўйловли қизлар экан. Мен ўйга туша бошладим: айна пайтда энг тўғри йўл нима? Кун анча оғиб қолган, ҳализамон кеч тушиб қолади, уларнинг олдидан туриб кетсам, уч қиз бу тунни қаерда қаршилашади? Балки ҳолат юзасидан ҳуқуқ-тартибот идораларига билдириш энг тўғри йўлдир? Улар ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муаммоларга ечим топишади, албатта... Аммо, рақамни тераётган қўлларимни телефондан тортидим. Ҳозир бу билан балоғат ёшидаги вояга етмаган қизларни чўчитиби қўйишим мумкин.

- Қизлар, мен оч қолдим, тилимга келган сўз шу бўлди.

- Менда булочка бор, янги хола!-завқланди Нигина.

“Янги хола” атамасидан қаҳқаҳ отиб кулишдик.

- Унда кетдик. Ҳозир янги холанинг уйига кирамиз, аввал овқатланиб, кейин сенинг булочкангни еб қўямиз, хўпми?-дедим кулиб.

- Хў-ўў!-қиқирлаб кулди Нигина.

Сарвиноз ва Марина “ноқулай бўлади, опа! Кун кеч бўлиб қолди,

ҳали ижара уй излашимиз керак”,- дейишди.

- Биргалашамиз. Овқатланиб олайлик, кейин ўйлашамиз!

Ортиқча эътироз билдиришмай, орқамдан эргашишди. Уйга кирдик. Овқатландик. Нигина ҳам кўярда-қўймай, ширин булочкасини бўлиб-бўлиб берди.

Бу орада ўзининг розилиги билан Маринанинг онаси билан гаплашиб олдим.

- Мой пьяница-муж был дома один 1-2 месяца, и я не беспокоила свою дочь. Пусть дочка не думает, что я её не искала. Я ей доверяю. Я нашла хорошую работу и квартиру в Ташкенте. Пожалуйста, пусть переночуют у вас. Отправьте мне локацию с вашим адресом. У уже в пути. Утром буду в Бухаре.

Кеч бўлганига қарамай, Нигинанинг ўқитувчиси билан телефон орқали боғландим. Ўқитувчиси ҳайратдан донг қотди. У Нигинанинг оиласи нотинч эканини билар, аммо, икки ҳафтадан буён бир марта ҳам дарс қолдирмаганини, ҳолатдан хабари йўқлигини билдирди.

Маълум бўлишича, оиласидаги нотинчликлар сабаб шундай-да

УЙИДАН ҚОЧГАН ҚИЗЛАР

уларни “кўча қизлари”
деб ҳақоратламанг

Тонг сахарда кўзимизни очмай туриб, Маринанинг онаси келди. Марина сал инжиқлик қилди. Шунча вақт давомида ўзидан хабар олмагани учун онаси билан жанжал ҳам қилди. Онасининг: “Кто у меня есть кроме тебя? Я живу только для тебя”, - деган гапидан сўнг шаштидан тушди. Юкларини йиғиштирди. Бундан кейин Тошкент шаҳрида ишлаб, яшашар экан.

...Сарвиноз яна ичкарилаб, секин курсига ўтирди. Нималарнидир ўйлади. Хаёлга чўмди.
- Чўчияпман!
- Нимадан?
- Ҳаммасини айтиб берсам, ташлаб кетишидан!
- ...кўрқма...
- ...Айтишга ҳали тайёرمасман!
- ...
- Опа, бир илтимос қилсам майлими?
- Майли...
- 2-3 кунда ойлик беришади. Шунгача сизникида-а-а...

...
- Албатта, ижарага турган кунларим ҳақини тўлаб қўяман.
- Пулингни эҳтиёжингга сарфла. Ақлли қиз бўлиб юр,- дедим кулиб.

Сарвиноз хурсанд бўлиб, худди яқинларидек бўйнимдан кучиб олди. Унинг меҳрга ташна эканини ҳис қилдим. Беихтиёр кўзларим ёшланди. Кўнглимдан домкомнинг “кўча қизлари” дегани ёдимга тушди. Сабабсиз оқибат бўлмас, деганларидек “кўча қизлари”нинг ҳаммаси ҳам “ёмон” эмаслигини одамлар тушуниб етишса, яхши бўларди.

Бу воқеаларга 3-4 ой бўлганди. Яқинда эшик тақиллади. Шундоқ очсам, эшик олдида Сарвиноз ва бир йигит. Қўлимга “янги холамга” деган тўй таклифномаси. Кейинги пайтларда турмуш ва иш ташвишлари билан бўлиб, бундай қувонччи ҳис қилмаган эдим...

БЕКАТДАГИ ҚИЗЛАР

Шаҳар ҳамиша гавжум. Кимдир у ёққа, кимдир бу ёққа ўз юмуши билан куймаланиб, шошиб боради. Бир куни ҳамроҳим

билан бекатда ғалати бир воқеага гувоҳ бўлдик. Ҳар ким ўз манзилига етиш учун улов қутмоқда. Кўзлар фақат йўлда. Ногоҳ шу бекатга иккита ёшгина қиз ҳам келиб ўтирди. Наридан, 16-17 ёшли қизлар эди. Уларнинг юз ифодаси қандай қизлар эканини кўрсатиб турарди. Одоб-ахлоқ чегарасидан чиқиб кетган бу қизлар атрофдагиларга парво ҳам қилмай, баланд-баланд овозда гапирарди.

-Кечагидан қанча ҳақ олдинг?
-Тушликкаям етмайди,-норозинамо афтини бужмайтирди.
-Ҳа, ҳозир роса хасис бўлган унинг!
- Нимасини айтасан, яна кунузон унга вақт ажратганимни қара...

Уларнинг бу гап-сўзларини эшитиб, ҳамроҳим ўзини тутиб туролмади. Афсуски, ҳамроҳимнинг уларга берган танбеҳи ўз устига ҳақорат бўлиб ёғилди...

- Сан ўзингни бил, қизларингни бил! Нима, сани эрингни тортиб олапмизми?

- Қизлар, ёши катта аёл, онангиз қаторидир, яхшимас!- дедим.

Қизнинг ўзини тутишидан улов кутаётган бошқалар ҳам асабийлашди. Тўрт томондан сўкиш ва ҳақоратлар ёғдиришди қизларга.

- Она?! Қанақа она?! Она деган нарса борми бу дунёда!- жаҳлдан қизлардан бири.

- Бор, бор, оналар бор бу дунёда!- дедим мен ййчан.

- Бор, бор, ҳаммада бор она. Ҳаммада яхши она бор, бир менда йўқ ўша яхши она!- бақириб ййглаб юборди қиз нотаниш кимсалар олдида худди ўзини судланаётгандек ҳис қилиб.

Қизнинг ўзини бу тариқа тутишидан ҳамроҳимнинг ҳам юраги изиллаб кетди, шекилли, одамларга қараб, “жим” ишорасини берди. Ва бориб, қизларнинг ёнига секин ўтирди.

- Она қизларим, қаттиқ гапириб юбордим, шекилли, билиб-билмай, мени кечиринглар,- деди босиқлик ва юмшоқлик билан.

- Ҳаа-а... ўзим ҳам қизишдим, ая. Бизниям кечиринг,- ранглари чапланиб кетган кўзларини артаркан,- шуям ҳаётми?- деди ўзини Жасмина деб таништирган қиз.

Ўзининг айтишича, қизнинг онаси уни болагидан ташлаб, ўзи хорижга чиқиб кетган. 15

ёшигача тоғаю янгаларининг ҳақоратини эшитиб келган. Меҳнатдан, ишдан қочмаган. Даккию калтакларига чидаган. Аммо бора-бора оиладаги жирканч ва зерикарли ҳаёт уни ўзидан безиктирган.

- Бугун шаҳарда ижарада яшайман. Ҳатто, отам тенги эркакларнинг ҳам хиралик қилишига кўникиб қолдим...- шивирлади Жасмина.

- Кўни-кўшни, атрофдагилар болагингдан ҳақорату калтаклар остида яшаб келаётганингдан хабари йўқмиди?

- Кимнинг ҳозир ким билан иши бор. Ҳатто, кўни-кўшнларнинг ўзи мени “тоғасининг етимчаси” деб масхаралашарди.

Қизнинг ёнидаги дугонаси Дурдона эса ўгай отаси билан яшар экан. Ўгай отанинг кўпол

муомаласи туфайли у ҳам ўз оиласини тарк этган. Қиз қалбидаги алам, изтироб уни одамларга нафрат билан қарашга ўргатиб қўйган. Кўриниб турибдики, балогат ёши остонасидаёқ адашаётган қизларнинг ўз оиласини ташлаб кетишига етарлича сабаблар бор. Оқибати эса аён.

- Нима, ўйлайсизларки, мен ҳам бошқа қизлар қатори оқ либос кийиб, келин бўлишни хоҳламаганми? Шириндан-ширин фарзандларим бўлишини орзу қилмаганманми?- ичкики ййлади Дурдона.

Афсуски, қисматнинг аччиқ кўргуликлари кўплаб қизларимизни “кўча қизлари”га айлантириб қўймоқда.

- Бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Уйдан қочган ва яқин қариндошлариникига

паноҳ излаб борган вояга етмаган ёшлар билан ўтказилган профиллактик суҳбатларда уларнинг аксарияти нотинч оилалар фарзанди экани аниқланган. Шунингдек, бундай ҳолатлар ота-онаси узоқ муддатга хориж давлатларига ишлаш учун кетган ва яқинлари тарбиясида қолган болалар ўртасида ҳам юзага келади. Айни пайтда Бухоро вилоятида 631 нафар ота-онаси узоқ муддатга кетган, 69 нафар она-онаси қарамогидан маҳрум бўлган, 158 нафар боқувчисини йўқотган болалар бор. Шунингдек, 2113 нафар тарбияси оғир, 42 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган мактаб ўқувчиларининг ҳам рўйхатлари шакллантирилди. Оғир оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти, - дейди Миллий Гвардия бошқармаси масъули Фаррух Қиличев.

Атрофимиздагиларга, уларнинг тақдирига ўз оиламиз тақдирига қарагандек эътиборли бўлайлик. Уларни “кўча қизлари”, “қочоқ” ва “дайди” дея нуқиб кўрсатиш - жамиятнинг оғриқ нуқталарини багътар оширади. Шуни унутмайлик!

Лайло Ҳайитова

ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИ:



УЛАРНИ САВОДСИЗЛИККА БОШЛАЁТГАН

(боши 3-бетда)

“Амир Темура - курашчи”, “Чўлпон - қўшиқчи”...?!

Аммо саводсизликнинг келиб чиқишини ҳар доим интернетга боғлавериш ҳам унчалик тўғри эмас. Интернет ҳам бир бозорки, киши ундан фақат ўзи учун керакли нарсаларнигина олиши керак. Шу ўринда саводсизлик, деган тушунчани тўғри қабул қилиш керак, деб ўйлайман. Ваҳоланки, саводсиз ёшларнинг кўпайиб кетаётгани бор гап. Шу мавзуда кичик бир сўровнома ўтказганмиз. Натижасига қаранг: Амир Темура - “курашчи”, “Имом Бухорийни билмайман”, Чўлпон - “қўшиқчи”, Гитлер - “шоир”... Ёшларнинг бу саводини оддий ҳолат, деб қабул қилиш мумкинми? Барча шароит, имкониятлар яратиб берилаяпти, аммо ёшлардаги интилиш, қизиқиш ортаётгани, негадир, кўзга ташланмаяпти.

Шундай ёшлар борки, улар ҳам ўқишади, ҳам ишлашади, бунинг устига дам олишга ва бошқа мақсадларини ҳам аниқ белгилаб олишга вақт ажратишади. Ёшларнинг ўз мақсадларига эришишлари, қизиқишларига, ундан ташқари, жамиятда ўз ўринларини топиб кетишларида катталарнинг ҳам таъсири бор. Қизиқиши бўлмаган ёшлар келажакдаги мақсадларини аниқ қилиб белгилаб олишмаган. Бу эса уларда мақсаднинг йўқлигини англатади ва бу эринчоқликни келтириб чиқаради. Ўз-ўзидан бўш вақтининг ошиб кетишига сабаб бўлади.

ИЛЛАТЛАР ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Маълумки, ёшларнинг айримлари ўз қизиқиши ва ўз йўналиши ҳақида ўйлаб, турли тўғрак ва ўқув курсларига қатнаётган бўлса, айримлари бекорчилар. Уларнинг узук-қунлари фақатгина бўш вақтдан иборат бўлиб қолгани учун ҳам жамиятни бузадиган турли ҳолатларни келтириб чиқаришмоқда.

Ундан ташқари, мактабни тугатгач, айрим ёшларнинг айна ўқиб-изланадиган даврида икки-уч йили бекор ва назоратсиз қолиб кетаётгани ҳам бунга сабаб. Уларнинг фикру хаёллари фақат пул топиш керак, деган ўй билан банд. Бу уларни шундай боши берк кўчага бошлаб қўймоқда.

Ҳамма замонларда ҳам ўз замонасининг олиму уламлари бўлгани сингари билими саёз инсонлари ҳам бўлган. Бироқ, ҳозирги ўқувчиларнинг дарс тайёрлашмаслиги, дарсларда тинмай шовқин қилиб туриши қанчалик рост бўлганидек, уларнинг репетитор олдида товуш чиқармай ўтириши, сабоқларга ўз вақтида етиб бориши, топшириқларини сидқидилдан бажариш учун керак бўлса, кечқуруни билан ухламай дарс тайёрлаши шунчаки оддий ҳолатга айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Хулоса шуки, ёшларни маънавий баркамоллик сари етаклаб бориш учун янгидан-янгидан йўللار излаб топиш зарур. Ўшанда ҳар бир ёш ўзининг мақсади сари интилади, ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. Шунга кўра, уларнинг бўш вақтдан унумли фойдалана олишлари қайсидир маънода янада жиддийроқ таъминланиши зарур. Тенгдошларимиз тақдири ва келажаги учун кўплаб лойиҳаларни амалга оширишимиз керак.

Лайло Ҳайитова

БУХОРОДА “Насриддин Афанди” фестивали ўтказилди



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

Бухорода 1 апрель – кулги ва мутойиба кунини муносабати билан “Насриддин афанди” фестивали ўтказилди.



Бухорода Аёллар спорт фестивали ўтказилди



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

Видеолавҳани QR орқали кўринг.

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси ташаббуси билан «Ўзбектелеком» АК Бухоро филиали билан ҳамкорликда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишлаб, Бухорода “Соғлом она ва соғлом авлод гарови” шиори остида Аёллар спорт фестивали ўтказилди.

MUASSIS :
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O‘zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY'ATI:

Shavkat Rahmonov
Baxtiyor Adilov
Mirshod Ochilov
Dilshod Yo'ldoshev
Mirali Hamroyev
Jamol Nosirov

TAHRIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 “Agrobank”
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazeta “Photo Express” XICH ofset
usulida 1407 nusxada chop etildi.

Bosmaxona manzili:
Qarshi shahri, Mustaqillik
shox ko'chasi, 22-uy

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To'xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 23.04.2025 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga buling.